

**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА  
НОМЗОД  
ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ  
КАРИМОВНИНГ  
ТАРЖИМАИ ҲОЛИ  
ВА ДАСТУРИ**

**БИОГРАФИЯ И ПРОГРАММА  
КАНДИДАТА В ПРЕЗИДЕНТЫ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
ИСЛАМА АБДУҒАНИЕВИЧА  
КАРИМОВА**



**ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА  
НОМЗОД  
ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ  
КАРИМОВНИНГ  
ТАРЖИМАИ ҲОЛИ  
ВА ДАСТУРИ**

ТОШКЕНТ — «ЎЗБЕКИСТОН» — 2007

© «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2007

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД  
ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ  
КАРИМОВНИНГ  
ТАРЖИМАИ ҲОЛИ**

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод.

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1938 йил 30 январда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Миллати — ўзбек. Олий маълумотли, Ўрта Осиё Политехника ва Тошкент халқ хўжалиги институтларини тугатган. Муҳандис-механик ва иқтисодчи мутахассисликларига эга. Иқтисод фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида бошлаган. 1961 йилдан 1966 йилгача В.П. Чкалов номидаги Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор бўлиб ишлади.

1966 йилда Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига ишга ўтиб, бош мутахассисликдан республика Давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосаригача бўлган йўлни босиб ўтди.

1983 йилда И. Каримов Ўзбекистон ССР Молия министри, 1986 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Давлат план комитетининг раиси этиб тайинланди.

1986—1989 йиллар мобайнида Қашқадарё вилояти партия комитетининг биринчи котиби, 1989 йилнинг июнидан бошлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби лавозимларида ишлади.

1990 йил 24 март куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида И. Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди.

1991 йил 31 август куни И. Каримов тарихий воқеа — Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

1991 йил 29 декабрда муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида И. Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

1995 йил 26 мартда бўлиб ўтган умумхалқ референдуми якунларига кўра, И. Каримовнинг Президентлик ваколати 2000 йилга қадар узайтирилди.

2000 йили муқобиллик асосида ўтган сайлов натижаларига кўра, Конституцияга киритилган ўзгартишларга мувофиқ,

И. Каримов 7 йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

У оилали, икки нафар фарзанди, тўрт набираси бор. Рафиқаси Т.А. Каримова — мутахассислиги иқтисодчи, иқтисод фанлари номзоди, Ўзбекистон Фанлар академияси Иқтисодиёт институтида катта илмий ходим бўлиб ишлаган, айна пайтда — пенсияда.

И. Каримов суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, «Мустақиллик» ва Амир Темур орденлари билан тақдирланган. Шунингдек, у бир қанча хорижий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан ҳам мукофотланган.

И. Каримов Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси. Айна вақтда у иқтисод, фан, таълимни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун кўплаб хорижий мамлакатлар университет ва академияларининг фахрий фан доктори ҳамда академиги этиб сайланган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД  
ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ  
КАРИМОВНИНГ  
ДАСТУРИ**

Бугун Ўзбекистон, авваламбор ўзининг куч ва имкониятларига таянган ҳолда, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, инсон ва унинг манфаатлари олий қадрият ва устувор мақсад қилиб қўйиладиган эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан оғишмай қатъият билан бормоқда.

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган 16 йиллик даври мобайнида амалга оширилган кенг кўламли ишлар, ҳаётимизнинг барча соҳаларида юз бераётган том маънодаги тарихий ўзгаришлар ва биз эришган улкан натижалар мамлакатимизни ислоҳ этиш, янгилаш ва модернизация қилиш йўлида халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтириш бўйича қабул қилинган узоқ муддатли стратегиянинг ҳар томонлама чуқур ўйлангани, унинг нақадар тўғри ва ҳаққоний эканини яққол тасдиқламоқда.



Тарихан қисқа муддатда эски, ўз умрини ўтаб бўлган мустабид совет маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечган ҳолда, демократик принциплар асосида миллий давлатчилик ва ижтимоий институтларни шакллантириш, Ўзбекистоннинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир бўлган замонавий Қуролли Кучларни, ҳуқуқ-тартибот органлари ва хавфсизлик хизматларини ташкил этиш бўйича ўта муҳим ва масъулиятли қадамлар кўйилди.

Бизга мерос бўлиб қолган, республикамизни фақат хом ашё етказиб берадиган маконга айлантирган, бир ёқлама ва ночор иқтисодиётдан воз кечиб, эркин бозор иқтисодиётига ўтиш, мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати ва салоҳиятини мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширдик.

Асосий маъно-моҳияти иқтисодиётнинг мафкурадан тўла холи бўлиши, давлатнинг бош ислоҳотчи экани, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич, изчил амалга оширишдан иборат бўлган,

бугунги кунда тараққиётнинг «ўзбек модели» сифатида тан олинган машҳур беш тамойилга асосланган бу ислоҳотлар бизнинг ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадлар сари илгарилаб боришда бугунги кунда ҳам ҳал қилувчи дастуриламал бўлиб келмоқда.

Мухтасар айтганда, биз ўзимизга шиор қилиб олган «Ислоҳотлар — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфатлари учун» деган тамойил бугун амалда ўзини тўла оқламоқда.

Биз кейинги йилларда мамлакатимиз тараққиёти йўлида қўлга киритилган юксак марралар — иқтисодиётимизнинг қиёфасини тубдан янгилаган таркибий ўзгаришлар, экспорт салоҳиятининг ортиши, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий кўрсаткичлар, энг муҳими, шу аснода фуқароларимизнинг ҳаёти сифати ва даражаси сезиларли равишда яхшиланиб бораётгани билан ҳақли тарзда фахрланамиз.

Шу билан бирга, бир ҳақиқатни барчамиз яхши англаб олишимиз зарур. Биз истиқлол йилларида қайси соҳа ва йўналишда бўлмасин — бу иқтисодиёт ва сиё-

сат, давлат ва жамият қурилиши бўлади-ми, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ёки маданият ва маънавий соҳалар бўлади-ми — эришган барча ютуқларимиз ўзимизники ва уларни ҳеч ким биздан тортиб ололмайди. Шунинг учун ҳам бу муваффақиятларга маҳлиё бўлмасдан, уларга танқидий баҳо беришимиз, доимо изла-ниб ва олдинга интилиб, марраларни ба-ланд қўйиб, янги ва юксак мақсадлар би-лан яшашимиз даркор.

Бугун биз мамлакатимизнинг жадал та-раққий этиши ва янада обод бўлиши, унинг дунёдаги ривожланган давлатлар сафидан муносиб жой олишини таъмин-лайдиган, жамиятимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилишга қаратилган узок муддатли мақсадли вазифаларни амалга ошириш жараёнининг янги босқичида турибмиз.

Ўз олдимизга қўйган ана шу мақсад-ларга эришишда энг муҳим ва асосий ус-тувор вазифалар нималардан иборат?

**Биринчидан.** Биз бошлаган ва ўзини амалда ҳар томонлама оқлаган мамла-катимизни модернизация қилиш, жами-ятимизни янгилаш, иқтисодиётимиз-нинг жадал суръатлар билан ўсиши ва

унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлашга қаратилган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, бу йўналишларни амалга оширишнинг асосий шарти бўлмиш тадбиркорлик, кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатининг изчил қадамлар билан эркин ривожланишига кафолат ва имтиёзлар берадиган сиёсатни давом эттириш ва кучайтириш — эзгу мақсадларимизга етишнинг асосий омили ва шартидир.

Бу борада иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришларни янги босқичга кўтариш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, солиқ юкини камайтириш, юксак технологиялар билан қуролланган тармоқ ва ишлаб чиқариш корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш бундан кейин ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

**Иккинчидан.** Биз ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эришиш йўлида ўрта синф вакиллари — тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати ва хусусий бизнес тузилмаларининг, барча моддий ва интеллектуал мулк эгаларининг манфаатларини устун қўйиш, уларга тўлиқ имтиёз ва имконият-

лар яратиб бериш, уларни қўллаб-қувватлаш устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга оширишда аҳолининг социал қатламлари ўртасида ҳаёт даражаси ва даромад кўрсаткичлари бўйича кескин табақаланишга йўл қўймаслик тамойилига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

**Учинчидан.** Миллий давлатчиликни барпо этиш ва мустаҳкамлаш жараёнида объектив зарурат бўлган кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтишга эришиш давлат ва жамият қурилиши соҳасида асосий вазифамиз бўлиб қолиши муқаррар.

Айниқса, давлат ҳокимияти органларининг хўжалик юритувчи субъектлар ишига аралашувини тубдан бартараф этиш, уларнинг бир қатор ваколат ва вазифаларини, авваламбор, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш ишларини молиялаштириш, одамларни иш билан таъминлаш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини босқичма-босқич маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

органлари, маҳаллаларга ўтказиш жараёнини янада кучайтириш олдимизда турган муҳим дастурий мақсадлар қаторига киради.

**Тўртинчидан.** Ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришга доир ислохотларни фаол давом эттириш, шу аснода инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият ва бойлик сифатида жамиятимиз ҳаётида асосий ўринга қўйиш доимий эътибор марказимизда бўлади.

Биз бундан буён ҳам «**Инсон манфаати ҳар нарсадан улуғ**» деган шиорни амалда рўёбга чиқариш учун бор куч ва имкониётларимизни ишга соламиз.

Жамиятимизда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, жумладан, бу масаланинг энг муҳим шарти ва гарови бўлган кўппартиявийлик тизими, фуқаролик институтлари ва нодавлат ташкилотлар фаолиятини, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтириш, жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, оммавий ахборот воситаларининг том маънода тўртинчи ҳокимият сифатида фаолият юритиши учун зарур бўлган барча ҳуқуқий ва ташки-

лий тадбирларни амалга ошириш — бугунги энг долзарб вазифаларимиздан биридир.

**Бешинчидан.** Мамлакатимизда суд-хукуқ тизимини хукуқий давлатни шакллантиришнинг зарур таркибий қисми сифатида чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича бошлаган ишларимизнинг таъсири ва самарасини кучайтириш, энг асосийси, суд тизими мустақиллигини таъминлаш муҳим вазифамиз бўлиб қолади.

Хусусан, ўлим жазосини бекор қилиш, фуқароларни қамоққа олишда санкция бериш хукуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида қабул қилинган қонунлар ижросини тўлиқ таъминлаш, бу болада самарали тизимни шакллантириш бизнинг фаолиятимизда катта аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, «**Адолат — қонун устуворлигида**» деган тамойилни амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатларимизни замон талаблари даражасига кўтариш йўлида янги, амалий қадамлар кўйишимиз зарур.

**Олтинчидан.** Ташқи сиёсат соҳасида биз бошқа давлатларнинг ички ишларига ара-

лашмаслик, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли асосда шерикчилик қилиш, юзага келадиган ҳар қандай можаро ва муаммони фақат тинч йўл билан, сиёсий ва ҳуқуқий воситалар орқали ҳал этиш, узоқ ва яқин қўшниларимиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва тотувликда яшаш таъмоилига қатъий амал қилиб келмоқдамиз ва келгусида ҳам шу йўлда собит қоламиз.

Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, барқарорликни мустаҳкамлаш, фуқаролараро тотувлик, турли миллатлар ва диний конфессиялар ўртасида ҳамжиҳатликни янада кучайтириш — кундалик ҳаётимизнинг қоидасига айланиши лозим.

Бугунги кунда дунёдаги ва минтақамиздаги хавфсизлик ва барқарорликка нисбатан таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, Куролли Кучларимиз қудратини ошириш, миллий армиямизни модернизация қилиш жараёнларини янада чуқурлаштириш, мамлакатимизнинг муҳофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини кўз қорачиғидай асраш — бундан буён ҳам устувор вазифамиз бўлиб қолади.



Табиийки, ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек олижаноб ишга бағишлаган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, тураржой ва маиший шароитларини янада яхшилаш, маошлари миқдорини кўпайтириб бориш ва ҳар томонлама рағбатлантириш бу соҳадаги ишларимизда етакчи ўрин эгаллайди.

**Еттинчидан.** Иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан ривожланишини таъминлаш ҳисобидан халқимизнинг реал даромадлари ва фаровонлигини ошириш, муҳим ижтимоий дастурларни ҳаётимизга муваффақиятли татбиқ этиш бундан буён ҳам сиёсий фаолиятимизнинг устувор йўналишини ташкил этади.

Меҳнатчиларимизнинг иш ҳақи миқдорини яқин уч йилда 2—2,5 баробар кўпайтириш юзасидан ўз олдимизга қўйган юксак вазифадан келиб чиқиб, жорий йилнинг ўзида, инфляция даражаси 7 фоиздан ошмаган ҳолда, ўртача маош миқдори 56 фоизга ўсгани диққатга сазовордир.

Бундай амалий суръатлар яқин йиллар ичида халқ фаровонлиги ва даромадлари-

ни таъминлаш бўйича бизнинг юқори марраларга эришаётган мамлакатлар қаторидан жой олишимиз учун, ҳеч шубҳасиз, мустаҳкам замин яратади.

Таъкидлаш лозимки, бу борадаги фаолиятимизда замонавий меҳнат бозорини янада кенгайтириш асосида янги иш ўринлари ташкил этиш, соғлиқни сақлаш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёрдам ва кўмакка муҳтож тоифаларга, кам таъминланган оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришга қаратилган ижтимоий ҳимоя сиёсати янги босқичда давом эттирилади.

Эл-юртимизга катта хизматлари сингган муҳтарам кекса авлод вакилларининг ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг тинч ва хотиржам, мазмунли умр кечириши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, шу тариқа жамиятимизда инсонпарварлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш масаласини биз биринчи даражали вазифамиз деб қабул қиламиз.

Халқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини юксалтириш бўйича узоқни кўзлаган сиёсатни амалга оширишда

биринчи навбатда қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитини янада яхшилаш ҳақида ўйлашимиз керак.

Бундай эзгу мақсадларни амалга оширишда аввало ер унумдорлиги, унинг ме-лиоратив ҳолатини яхшилаш ҳисобидан қишлоқ хўжалиги рентабеллиги ва самарасини янада ошириш, қишлоққа саноатни, хизмат ва сервис шохобчаларини олиб кириш, ихчам ва замонавий техника ва технологиялар билан қуроланган қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва ҳаёт сифатини янада юксалтириш нафақат вазифамиз, балки бурчимизга айланиши зарур.

**Саккизинчидан.** Мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш бундан буён ҳам фаолиятимизнинг энг муҳим йўналиши бўлиб қолади.

Шу мақсадда бошлаган ишларимизни қатъият билан давом эттириб, таълим соҳасидаги миллий дастурларимиз ижросини тўла яқунига етказиш, лўнда қилиб айтганда, ёшларимизни бизнинг табиа-

тимизга бегона бўлган ғаразли оқимлардан асраб, замонавий билим ва тажрибага, ўз мустақил фикрига эга, маънавий юксак, комил инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг жамиятимизда мустақам ва муносиб ўрин эгаллашига барча имкониятларни сафарбар этишимиз даркор.

**Тўққизинчидан.** «Юксак маънавият — енгилмас куч» деган ҳаёт ҳақиқатидан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда амалга ошираётган маданий ва маърифий соҳаларда олиб бораётган ишларимизнинг таъсири ва самарасини кучайтириш бизнинг ҳаракат дастуримизда алоҳида муҳим ўрин эгаллайди.

Айниқса, ўзлигимизни англаш, миллатимиз ва халқимизнинг ғурур ва ифтихорини юксалтириш, қадимий ва бой тарихимиз, бебаҳо меросимизни чуқур ўрганиш ва келгуси авлодларга безавол етказиш йўлида заҳмат чекиб, эл-юртимизга садоқат билан хизмат қилиб келаётган инсонларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш ва қадрлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши лозим.

Бу борада юртимиздаги мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари, илм-

фан масканлари, маданият ва санъат даргоҳларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи ва домлалар, илмий ходимлар, ижодкор зиёлиларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш ва кенг қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдоди ва салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шароитларни яратиб беришни биз ўзимизнинг устувор вазифамиз, деб биламиз.

**Ўнинчидан.** Барчамизга аёнки, юқорида зикр этилган улугвор мақсадларни муваффақиятли амалга ошириш вазифаси юртимизда яшаётган, миллати, тили, дини ва қайси сиёсий гуруҳга мансублигидан қатъи назар, ҳар бир юртдошимиздан, бутун халқимиздан белни маҳкам боғлаб, қаттиқ меҳнат қилишни талаб этади.

Биз шу муқаддас заминда ҳеч кимдан кам бўлмаган эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш учун азму қарор қилган эканмиз, албатта бирдамлик, албатта меҳр-оқибат, албатта чидам ва бардош, албатта шижоат ва қатъиятлилик каби олижаноб хусусиятлар қалбимиздан, кундалик ҳаётимиздан чуқур жой олиши керак.

Муҳтарам юртдошлар!

Шу азиз Ватан — барчамизники. Унинг истиқболи, фаровон келажагини ўйлаб яшаш — ҳар биримиз учун чиндан ҳам катта бахтдир.

**БИОГРАФИЯ И ПРОГРАММА  
КАНДИДАТА В ПРЕЗИДЕНТЫ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
ИСЛАМА АБДУГАНИЕВИЧА  
КАРИМОВА**

**ТАШКЕНТ — «УЗБЕКИСТАН» — 2007**

## **БИОГРАФИЯ КАНДИДАТА В ПРЕЗИДЕНТЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ИСЛАМА АБДУГАНИЕВИЧА КАРИМОВА**

Кандидат в Президенты Республики Узбекистан от Движения предпринимателей и деловых людей — Либерально-демократической партии Узбекистана.

Ислам Абдуганиевич Каримов родился 30 января 1938 года в г.Самарканде в семье служащего, по национальности узбек. Образование высшее, окончил Среднеазиатский политехнический институт и Ташкентский институт народного хозяйства, получив специальности инженера-механика и экономиста. Кандидат экономических наук.

Трудовую деятельность начал в 1960 году на заводе «Ташсельмаш». В 1961—1966 годах работал инженером, ведущим инженером-конструктором в Ташкентском авиационном производственном объединении им. В.П. Чкалова.

В 1966 году перешел на работу в Госплан Узбекской ССР, где прошел путь от главного специалиста до первого заместителя председателя Госплана республики.



В 1983 году И. Каримов был назначен министром финансов Узбекской ССР, в 1986 — заместителем председателя Совета министров Узбекской ССР, председателем Госплана республики.

В 1986 — 1989 годах работал первым секретарем Кашкадарьинского обкома партии. С июня 1989 года — первый секретарь ЦК Компартии Узбекистана.

24 марта 1990 года на сессии Верховного Совета Узбекской ССР И. Каримов избран Президентом Узбекской ССР.

31 августа 1991 года И. Каримов провозгласил государственную независимость Республики Узбекистан.

29 декабря 1991 года на всенародных выборах, которые прошли на альтернативной основе, И. Каримов избран Президентом Республики Узбекистан.

26 марта 1995 года в соответствии с итогами всенародного референдума срок президентских полномочий И. Каримова продлен до 2000 года.

В 2000 году состоялись альтернативные выборы, по итогам которых в соответствии с принятыми поправками в Конституцию И. Каримов был избран Президентом Республики Узбекистан сроком на 7 лет.

Женат, имеет двух дочерей и четырех внуков. Супруга Т.А. Каримова по образованию экономист, кандидат экономических наук, работала старшим научным сотрудником в Институте экономики Академии наук Узбекистана, в настоящее время — на пенсии.

За выдающийся вклад в дело образования суверенного и независимого Узбекистана, создание гуманного демократического правового государства, обеспечение гражданского мира и национального согласия и проявленные при этом стойкость и мужество И. Каримову присвоено звание «Узбекистон Кахрамони», он награжден орденами «Мустакиллик» и Амира Темура.

И. Каримов также награжден почетными званиями, орденами и медалями ряда государств и авторитетных международных организаций.

И. Каримов — действительный член Академии наук Узбекистана. За большой вклад в развитие экономики, науки, образования он избран также почетным доктором наук ряда университетов и академиком академий наук многих зарубежных государств.

**ПРОГРАММА  
КАНДИДАТА В ПРЕЗИДЕНТЫ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
ИСЛАМА АБДУТАНИЕВИЧА  
КАРИМОВА**

Узбекистан сегодня, опираясь прежде всего на собственные силы и возможности, уверенно продвигается по пути строительства правового демократического государства с социально ориентированной рыночной экономикой, формирования в стране гражданского общества, главной ценностью и приоритетом которого является человек и его интересы.

Масштабы проделанной за истекшие 16 лет независимого развития работы, огромные, поистине исторические перемены, происходящие во всех сферах нашей жизни и достигнутые результаты полностью подтверждают правильность, глубокую продуманность и реальность принятой нами долгосрочной стратегии по реформированию, обновлению и модернизации страны, повышению уровня и качества жизни населения.

За исторически короткий срок, отказавшись от старой, изжившей себя тоталитарной системы, мы достигли значительных успехов в развитии демократии и рыночной экономики, в укреплении государственности и национальной солидарности, в повышении уровня и качества жизни населения.

литарной советской административно-командной системы, в республике были осуществлены кардинальные меры в деле формирования национальной государственности, построенной на демократических принципах, общественных институтов, создания современных Вооруженных Сил, правоохранительных органов и службы безопасности, способных защитить суверенитет, территориальную целостность Узбекистана, мирную и спокойную жизнь нашего народа.

Отказавшись от доставшейся нам в наследство однобокой и гипертрофированной экономики, отводившей нашей республике роль сырьевого придатка, мы провели широкомасштабные реформы, цель которых — переход к свободной рыночной экономике, развитие и укрепление экономического могущества и потенциала страны, рост благосостояния людей.

Эти реформы, основанные на пяти известных принципах, сегодня признаны как «узбекская модель», суть и содержание которой — деидеологизация экономики, признание роли государства в реформировании, верховенство закона, реали-

зация сильной социальной политики и, что особенно важно, поэтапный, постепенный переход к рыночной экономике — и ныне являются определяющими в нашем продвижении к поставленным целям. Коротко говоря, полностью оправдал себя принятый нами на вооружение принцип: «Реформы не ради реформ, а во имя человека, во имя его интересов».

Мы по праву гордимся достигнутым: темпами устойчивого экономического роста и макроэкономических показателей, кардинальными структурными сдвигами, в корне изменившими облик нашей экономики и обеспечившими рост экспортного потенциала, и, конечно же, самое главное — это заметное улучшение качества и уровня жизни наших граждан.

Вместе с тем необходимо помнить — отмечая свои достижения в политике и экономике, в государственном и общественном строительстве, в образовании и здравоохранении, в сфере культуры и духовности, мы, не предаваясь эйфории, должны критически оценивать достигнутое, находиться в постоянном поиске и двигаться вперед, ставить перед собой новые, еще более высокие цели и задачи.

Сегодня мы находимся на новом этапе реформирования и модернизации нашего общества, реализации долгосрочных целевых задач, обеспечивающих ускоренное развитие и процветание страны и ее вхождение в число развитых государств мира.

Каковы же наши самые главные и важные приоритетные задачи для достижения этой поставленной цели?

**Во-первых,** нашей главной задачей должно оставаться продолжение и усиление начатой нами и оправдавшей себя на деле политики по модернизации страны, обновлению общества, дальнейшему углублению реформ, направленных на ускоренное развитие экономики и обеспечение устойчивого макроэкономического баланса, а также по предоставлению льгот и преференций предпринимательству, малому бизнесу и фермерскому движению, являющимся основным фактором и условием успешной реализации избранной нами цели.

Вопросы осуществления глубоких структурных преобразований в экономике, проведения активной инвестиционной политики, облегчения налогового

бремени, создания еще более благоприятных условий для развития высокотехнологических отраслей и производств, малого бизнеса и частного предпринимательства будут находиться в центре нашего внимания и в дальнейшем.

**Во-вторых,** нашей приоритетной задачей будут оставаться интересы представителей среднего класса, предпринимательства, фермерского движения, частного сектора, владельцев материальной и интеллектуальной собственности, их поддержка и создание для них новых льгот и возможностей.

Важное внимание в осуществлении экономической и социальной политики должно быть обращено на соблюдение принципов, исключающих чрезмерное расслоение социальных групп населения по показателям уровня жизни и доходам.

**В-третьих,** последовательный и поэтапный переход от сильного государства к сильному гражданскому обществу, который был объективно необходим в условиях строительства и укрепления национальной государственности, и в дальнейшем останется нашей основной и важнейшей задачей.

В этом направлении мы должны уделить особое внимание полному устранению вмешательства органов государственной власти в деятельность хозяйствующих субъектов, дальнейшему усилению процесса поэтапной передачи ряда их полномочий и функций местным органам власти, органам самоуправления граждан, махаллям, прежде всего в решении экономических и социальных вопросов, финансировании коммунального хозяйства и работ по благоустройству, обеспечении занятости населения и защите интересов граждан.

**В-четвертых**, постоянно в центре внимания должны оставаться вопросы дальнейшего углубления реформ по либерализации всех сфер жизни, утверждения на этой основе интересов человека, его прав и свобод в качестве наивысшей ценности. Мы и впредь будем прилагать все свои силы и возможности для реализации девиза **«Интересы человека превыше всего»**.

Одной из самых актуальных наших задач является осуществление всех правовых и организационных мер в целях дальнейшего углубления демократических



процессов, совершенствования многопартийной системы, усиление роли институтов гражданского общества и негосударственных организаций, укрепления их прав и полномочий, повышения статуса и авторитета в обществе, а также превращения на деле средств массовой информации в «четвертую власть».

**В-пятых.** Важной задачей остается повышение эффективности и практической значимости начатых нами мер по глубокому реформированию и либерализации судебно-правовой системы в качестве неотъемлемой составной части формирования правового государства и, самое главное, обеспечению на деле независимости судебной системы.

В частности, большое значение имеет обеспечение практической реализации законов об отмене смертной казни, передаче судам права выдачи санкции на заключение под стражу, формирование эффективной системы в этом направлении.

Иначе говоря, сегодня мы должны предпринять новые конкретные шаги и поднять на современный уровень практическое воплощение принципа «Справедливость — в верховенстве закона».

**В-шестых**, в области внешней политики мы строго следуем принципам невмешательства во внутренние дела других государств, равноправного сотрудничества с зарубежными странами, решения любых возникающих конфликтов и проблем мирным путем, с помощью политических и правовых инструментов, а также мирного сосуществования с близкими и дальними соседями на основе взаимовыгодного сотрудничества и согласия.

Продолжение курса на укрепление мира и стабильности в стране, дальнейшее усиление гражданского согласия, дружбы между представителями различных национальностей и религиозных конфессий должно стать правилом в нашей повседневной жизни.

Учитывая растущие вызовы и угрозы безопасности и стабильности в мире и регионе, повышение мощи Вооруженных Сил, дальнейшее углубление процесса модернизации национальной армии, укрепление обороноспособности страны, обеспечение неприкосновенности государственных границ будут и в дальнейшем оставаться приоритетными.

При этом важнейшей составляющей решения этой задачи будут вопросы социальной поддержки военнослужащих, посвятивших свою жизнь благородному делу защиты Родины, а также дальнейшее улучшение их жилищных и бытовых условий, повышение размеров заработной платы, их всесторонней поддержки.

**В-седьмых,** и впредь приоритетным направлением государственной политики будут являться повышение реальных доходов и благосостояния населения, успешное осуществление важных социальных программ за счет обеспечения стабильного роста экономики.

Достоинно внимания то, что в соответствии с поставленной нами важной задачей по увеличению заработной платы в ближайшие три года в 2—2,5 раза, только в текущем году при сохранении уровня инфляции в пределах 7 процентов, размер средней заработной платы возрос на 56 процентов. Такие темпы безусловно позволяют нам в обозримом будущем занять достойное место в ряду стран, обеспечивающих высокие показатели доходов и благосостояния народа.

Следует отметить, что и на новом этапе будет продолжена работа по проведению политики сильной социальной защиты, направленной на создание новых рабочих мест за счет дальнейшего расширения современного рынка труда, на охрану здоровья населения, материнства и детства, поддержку молодых семей, усиление заботы о нуждающихся и малообеспеченных семьях.

Мы считаем своей первостепенной задачей решение вопросов оказания должного уважения представителям старшего поколения, имеющим большие заслуги перед страной и народом, создания всех необходимых условий для обеспечения их спокойной и содержательной жизни, тем самым укрепления в обществе атмосферы гуманизма и милосердия.

Претворяя в жизнь долгосрочную политику по повышению уровня жизни и благосостояния нашего народа, мы должны в первую очередь думать о дальнейшем улучшении жизненных условий сельского населения.

Достижение этих важных целей требует от нас повышения рентабельности и эффективности сельского хозяйства за

счет улучшения плодородия земель и их мелиоративного состояния, развития промышленного производства на селе, создания компактных перерабатывающих предприятий, оснащенных современной техникой и технологиями, а также сферы услуг и сервиса. На этой основе обеспечить ускоренное увеличение доходов и повышение уровня жизни сельчан.

**В-восьмых**, важнейшим направлением нашей деятельности и впредь останется вопрос подготовки кадров нового поколения, способных решать сложнейшие задачи, связанные с модернизацией страны и строительством современного общества.

Важно продолжить и поднять на новый уровень начатую масштабную работу по реформированию образовательного процесса в стране, воспитанию наших детей в духе гармоничного сочетания национальных и общечеловеческих ценностей, оградить их от чуждых нашему менталитету вредных влияний и течений, подготовить самостоятельно мыслящих и обладающих современными знаниями граждан, способных занять достойное место в нашем обществе.

**В-девятых,** в программе наших действий особое место занимает усиление влияния и эффективности работы, проводимой сегодня в культурно-просветительской сфере и опирающейся на испытанный самой жизнью принцип **«Высокая духовность — непобедимая сила»**.

Особо следует подчеркнуть, что долгом для всех нас является достойная оценка труда тех людей, кто сегодня самоотверженно трудится в сфере просвещения и духовности, глубокого изучения и познания нашей древней богатой истории и бесценного наследия, сохранения их для будущих поколений.

Мы считаем для себя приоритетной задачей материальное и моральное стимулирование, всестороннюю поддержку учителей и преподавателей, работающих в школах, лицеях, колледжах и высших учебных заведениях, научных работников и представителей творческой интеллигенции, культуры и искусства, создание им необходимых условий для реализации их способностей и таланта.

**В-десятых,** всем нам ясно, что успешная реализация перечисленных выше масштабных задач требует от каждого сооте-

чественника, независимо от его национальности, языка, религии, политической ориентации, от всего нашего народа эффективного и самоотверженного труда.

Наши перспективы и наше будущее в полной мере зависят от того, как мы обеспечим мир и спокойствие в наших домах и в целом стране, от того, в какой мере в наших сердцах найдут свое место доброта, терпение и великодушие, от того, как мы сохраним в нашем обществе взаимопонимание и толерантность.

Дорогие соотечественники!

Эта драгоценная Родина принадлежит нам всем.

Жить и трудиться ради ее будущего, грядущего благополучия — действительно большое счастье для каждого из нас.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД  
ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИНГ  
ТАРЖИМАИ ҲОЛИ ВА ДАСТУРИ**

**БИОГРАФИЯ И ПРОГРАММА  
КАНДИДАТА В ПРЕЗИДЕНТЫ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН  
ИСЛАМА АБДУҒАНИЕВИЧА КАРИМОВА**

Нашриёт муҳаррирлари *К. Бўронов, И. Богодарова*  
Техник муҳаррир *У. Ким*  
Рассом *Ж. Адилов*  
Бадий муҳаррир *Ҳ. Меҳмононов*  
Компьютерда саҳифаловчи *Л. Абкеримова*



Босишга рухсат этилди 23.11.2007. Қогоз бичими 70 × 90<sup>1/32</sup>.  
Таймс гарнитурасида офсет усулида босилди.  
Шартли б.т. 1,46. Нашр т. 1,2. 85 000 нусхада чоп этилди.  
Буюртма № 07-195.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.